БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 199 (19.870). ● 1987 йил 30 август, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

*Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига*

# ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА!



Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозининг Х. Ойтоева бошлиқ бригадаси аъзолари Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш билан кутиб олишга аҳд қилишган. Ҳозир бригада далаларида ғўза парвариши авжида. Суғориш, культивация бирбирига боғлаб олиб бориляпти. Машина теримига ажратилган майдонларни мавсумга тайёрлаш, пайкалларни бегона ўтлардан тозалашда суръат ва сифат бирлиги таъминланмоқда.

Суворийлар ўртасидаги ўзаро мусобақада тажрибали механизатор К. Чинорбеков пешқадам.

Суратларда: 1. Социалистик мусобақа ғолиби К. Чинорбеков. 2. Кўсаклар маржони. 3. Ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

# Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

29 август куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республика ҳукумати, министрликлари ва идораларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, Иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг қарорларини амалга ошириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Мажлисда қайд этиб ўтилдики, партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жамиятни қайта қуриш ва демократиялаштириш йўлининг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги республикада вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан янада самарали фойдаланишга, план, молия ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини оширишга эришиш имконини берди. Кейинги икки йил ичида ўртача йиллик ўсиш суръатлари бир ярим баравар ортди. Хўжалик фаолиятидан тушадиган фойда 20 процент кўпайди. 600 минг квадрат метр кўп уй-жой, умумий таълим мактабларида 60 мингта кўп ўрин фойдаланишга топширилди. Аҳолига гўшт, сут, тухум сотиш кўпайди, хизмат кўрсатиш доираси тармоқларининг ўсиш суръати ошди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров докладида таъкидлаб ўтилганидек, экономикани бошқаришни такомиллаштиришда ва хўжалик юритиш янги методларини ўзлаштиришда ҳозирча туб ўзгаришларга эришилганича йўқ. Министрликлар ва идоралар ўз тармоқларининг ҳозирча ҳақиқий штабларига айлангани йўқ, улар социал-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим вазифаларини суст ва тегишли ғайрат-шижоатсиз амалга оширмоқдалар, уларга қарашли корхоналар серхаражат ялпи ёндашувлар тазйиқидан ҳозирча халос бўлганлари йўқ. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда туб бурилиш бошланмади. Янги хўжалик механизмининг воситаларидан етарлича самарали фойдаланилмаяпти. Натижада беш йиллик план топшириқларини бажариш, шу жумладан, миллий даромадни ўстириш суръатлари, маҳсулотнинг бир қанча энг муҳим турларини, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳасида кескин аҳвол вужудга келмоқда.

Ташаббус кўрсатмай ишлаш ҳамда исрофгарчилик ва хўжасизликка нисбатан муросасозлик қилиш қайта қуриш йўлида жиддий тўғаноқ бўлмоқда. Хўжалик юритишнинг янгича принципларига ўтган министрликлар ва идораларнинг баъзи раҳбарлари бошқаришнинг иқтисодий методларини жорий этиш борасида зўр ғайрат билан иш олиб бориш ўрнига ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотлардан ҳар қандай йўллар билан планларни бажаришни талаб қилмоқдалар. Уларнинг иқтисодий бўлимлари дуруст ишламаяпти, бу эса меҳнат коллективларининг молиявий аҳволини жиддий тарзда мураккаблаштирмоқда. Йил бошида республика ҳукумати каттагина молиявий ёрдам берганлигига қарамай, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Главташкентстрой, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети системаларида зарар кўрувчи корхоналар сони ҳамон кўп. Банк кредити ҳозирча ишлаб чиқаришни интенсивлаш воситасига айлангани йўқ.

Халқ хўжалиги тармоқларини бошқаришнинг янги ташкилий структураларини тузиш ишлари ниҳоятда суст амалга оширилмоқда, у барча жабҳани қамровчи, асосий тус олгани йўқ. Республика министрликлари ва идораларининг ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этаётган таклифлари бу ишларни соддалаштиришни, бошқарув аппаратидаги ходимлар сонини камайтиришни кўзламайди. Бу ерда Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва республикадаги бошқа иқтисодий идораларнинг ташкилотчилик роли сезилмаяпти.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари бир қанча ижроия комитетларининг раҳбарлари рўй бераётган ўзгаришларнинг муқаррарлигини ҳамон англаб етмадилар ва моҳияти ҳамда кўламларини чуқур тушуниб олмадилар, қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини ҳал этиш қобилиятини амалда тасдиқламаяптилар, турғунлик холларига қарши курашда фаолиятсизлик ва сусткашлик қилмоқдалар, буйруқ бериш — тазйиқ этишдан иборат иш услубини афзал кўрмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорида 1988 йилда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ва бюджетини хўжалик юритишнинг янгича шароитлари талаблари ҳамда «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ тузиш вазифасини биринчи навбатдаги чора тадбирлар жумласидандир, деб белгилади. Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Молия министрлигига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига план ва бюджетни фан-техника тараққиётининг устун йўналишларини амалга ошириш, иқтисодий ўсишнинг ҳар томонлама мувозанатли бўлишига эришиш, ишлаб чиқариш потенциали ва барча ресурслардан юксак самарали фойдаланиш, тармоқ ва регионал проблемаларни комплекс равишда ҳал этиш асосида тузишни таъминлаш таклиф этилди.

Шу йилнинг сентябрь ойида бошқарувни қайта қуришнинг негизи бўлган маҳсулот етказиб бериш ва барқарор иқтисодий нормативлар бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқишга ҳамда уларни министрликлар ва идораларга етказишга дарҳол киришилсин. Корхоналар ва бирлашмалар ўз планларини узил-кесил шакллантиришда давлат эҳтиёжларига қатъий риоя қилишлари ва айни вақтда истеъмолчилар билан мустақил ишлаш учун кенг имкониятларга эга бўлишлари, уларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришлари, хўжалик шартномаларини ўз вақтида тузишларига эришиш зарур. Шу билан бирга 1991—1995 йилларга мўлжалланган план лойиҳасини ва 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш концепциясини тайёрлаш ишларини кучайтириш лозим.

Яқин орада республика халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схема лойиҳаси кўриб чиқилади. Мазкур лойиҳани тайёрлаш чоғида: биринчидан — министрликлар ва идоралар ишини тубдан қайта қуриш, улар фаолиятининг доирасини ва йўналишини аниқ-пухта чегаралаш; иккинчидан — бир хил турдаги тармоқларга, айниқса ноишлаб чиқариш соҳасида бир хил турдаги тармоқларга раҳбарлик қилаётган министрликлар, идоралар ва республика бошқа органларини бирлаштиришни назарда тутиш; учинчидан — асосий истиқболли масалаларни ҳал этишни бошқарувнинг юқори бўғинларига ўтказиш ва кундалик ишларни адо этишни маҳаллий органлар зиммасига юклаш; тўртинчидан — бошқарув аппаратини анча қисқартириш ва айни вақтда бу аппарат ишининг самарадорлигини ошириш зарур.

Қайта қуришнинг катта ва конкрет вазифалари республиканинг иқтисодий, совет ва хўжалик органларидан оператив, пухта ва малакали қарорлар қабул қилишни талаб этади. Бундай шароитларда ҳукумат аъзоларининг, министрликлар, идоралар, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ҳар бир раҳбарининг роли ва масъулияти анча ортади, чунки улар экономикани бошқаришнинг туб ислоҳотини амалга оширишда намуна кўрсатишлари керак.

Ўзбекистон ССР Госплани (ўртоқ И. Искандаров), унинг коллегияси ва аппарати ўз куч-ғайратини республика экономикаси тараққиётининг стратегияси, тактикаси ва мутаносиблигини белгилаб берадиган, унинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини оширадиган асосий йўналишларига жамлаши керак. Ўзбекистон ССР Госснаби (ўртоқ Т. Я. Шарипов) вазифалардаги кўп нарсаларни ўзгартириши лозим, чунки бу системада моддий ресурслар билан марказлаштирилган тартибда таъминлашдан ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига қатъий ўтиш лозим. Республиканинг бутун территориясида хўжалик механизми самарадорлигини таъминлаш, хўжалик юритиш натижаларини сўм билан чинакамига назорат этиб туришни амалга оширишда Молия министрлиги (ўртоқ И. И. Маматисаев), мазкур министрлик коллегиясининг ролини анча ошириш лозим. Банк кредитининг асл мақсадини ҳам амалда тиклаш лозим, мазкур кредитга хўжасизликни қоплаш воситаси деб қарамасдан, балки ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат нарх комитети (ўртоқ Қ. А. Аҳмедов) чуқур таҳлил, сабот ва аниқ мақсадни кўзлаб ишлашни талаб этадиган нарх белгилаш юзасидан таг-заминли ислоҳот ишига фаол киришмоғи керак. Меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш масалалари Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети (ўртоқ Х. Н. Тожиев), унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг форма ва методларини, айниқса ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари иш ҳақи такомиллаштирилаётган, янги тариф ставкалари ва мансаб маошлари жорий этилаётган шароитда, қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ҳозирги шароитларда Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг (ўртоқ М .К. Содиқов) масъулияти, аввало хўжалик фаолиятидаги камчиликларни пишиқ-пухта таҳлил этиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг аниқлигини ошириш, турлича қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликка қарши ҳужумкор курашдаги масъулияти ортади.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини амалга оширишда территориал бошқарув органлари алоҳида ўрин тутади. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг фаолияти ҳар бир меҳнат коллективининг самарали ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратишга, социал-маданий соҳа базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилиши лозим. Бу масалаларни ҳал этишда барча регионларда тузилаётган бош ишлаб чиқариш иқтисодий бошқармалар роли катта бўлиши керак.

Кадрлар иқтисодий билимини ошириш бошқарувни муваффақиятли қайта қуришнинг зарур шартидир. Эндиликда министрдан тортиб ишчигача раҳбар кадрлар иқтисодий ўқувини қатъий қайта қуриш, бу ишни пайсалга солмай бошлаб юбориш керак. Машғулотлар натижаларига кўра министрликлар, марказий иқтисодий идоралар, бошқарувнинг территориал органлари мутахассисларини аттестациядан ўтказиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тадбирлари комплекс плани тасдиқланди. Республика ҳукумати министрликлар ва идораларга, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналарга ана шундай планларни ишлаб чиқиб, уларни дарҳол амалга оширишга киришиш вазифасини топширди.

Шу куниёқ Президиум мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва касаба союзларнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан биргаликда олиб бораётган иши кўриб чиқилди. Уларга иқтисодий ўсишнинг барча резервларидан имкони борича кўпроқ фойдаланишга меҳнаткашларни сафарбар этиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини кенг ёйишга, маънавий ва моддий рағбатлантириш системасини такомиллаштиришга, ҳар бир корхона юбилей шарафига олган социалистик мажбуриятларини ва умуман 1987 йил планларини сўзсиз бажаришига асосий диққат-эътибор бериш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССРда 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш комплекс программаси лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов қатнашди.

# МУВАФФАҚИЯТ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида агросаноат комплексидаги жиддий камчиликларга принципиал баҳо берилди ва уларни тугатиш юзасидан конкрет йўллар кўрсатилди. Республика партия-хўжалик активи йиғилишида тармоқдаги турғунлик ҳолатлари атрофлича таҳлил этилиб, унинг жадал ривожланишига хизмат қиладиган иқтисодий омиллар, фойдаланилмаётган резервлар ва эътиборимиздан четда қолган бой имкониятлар хусусида амалий фикрлар айтилди. Актив йиғилишида якдил қабул қилинган Мурожаатнома руҳи ҳам июнь Пленумида олға сурилган долзарб вазифаларга мос тушади.

Колхозимизда ўтган йили давлатга пахта топшириш плани анча ортиғи билан адо этилди. Жами ҳосилнинг 80 процентга яқини техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Мен ишлаётган 5-бригадада бу кўрсаткич 90 процентга яқинлашди. Ўзим икки қаторли машина бункеридан мажбуриятда белгиланган 120 ўрнига 150 тонна пахта бўшатдим. Мусобақадошим Бахтиёр Душаев ҳам мендан қолишмади.

Бундан кейин бўшашувчанликка, пассивликка, техника воситаларидан фойдаланишда қолоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, олға силжишга ҳаракат қилмасликка ҳаққимиз йўқ. Бунинг учун эса биринчи навбатда ҳар биримиз барча резервлардан, ҳатто арзимайдигандек бўлиб кўринган майда-чуйда иқтисодий омиллардан ҳам тўла фойдаланиш йўлларини ахтаришимиз керак. Агар ҳар биримиз ўзимизни хўжаликнинг ҳақиқий хўжайини деб ҳисоблаб, катта масъулиятдан қўрқмасак конкрет режаларни конкрет ишлар билан мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Бу йилги об-ҳаво паст келгани сабабли ҳамма ерда ҳам деҳқон юмушини, ташвишини кўпайтирди. Кўчатлар сони бултургига нисбатан бироз сийрак. Бироқ улардан қанча ҳосил олиш яна ўзимизнинг фаол ғайратимизга боғлиқ. Шу маънода ғўза парваришида зарбдор икки ойлик алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу вақт ичида парвариши орқада қолган экинни нормадагига етказиб олиш сувчи билан механизаторга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Масалан, сувчи эгатларга сув тараш чоғида қаерда қатқалоқ пайдо бўлгани ёки бўлиши мумкинлиги ҳамда бегона ўт пайдо бўлганлиги тўғрисида механизаторни хабардор қилади. Механизатор эса ўз навбатида ғўзани культивация, озиқлантириш пайтида қайси карта сувсаганлигини сувчига маълум қилади. Ўйлайманки, бундай яқин алоқа пировард натижа салмоғини оширмасдан қолмайди. Бизнинг колхозимизда худди шундай қилинмоқда.

Бригадамиз майдонларидаги ғўзада ҳозир дастлаб пайдо бўлган кўсаклар очила бошлади. Машинабоп қилиб ўстирилаётган ғўзага тўрт марта ишлов бердик. Дастлаб гектарига 300—350 килограммдан азот ўғити, сўнгра иккинчи ишловдан кейин 100—150 килограммдан калийга аралаштирилган аммиак селитраси солдик. Парвариш орқада қолган экинга сув билан бирга «шарбат» оқизилмоқда. Биринчи «шарбат»дан кейин экиннинг ривожи анча тезлашди. Биз зараркунанда ва касалликларга қарши биологик методдан фойдаланяпмиз. Чунки ўтган йили ишга туширилган биолаборатория шарофати туфайли заҳарли химиявий препаратлардан воз кечганмиз.

Республика партия-хўжалик активи йиғилишида таъкидланганидек, деҳқончиликда илмий асосланган усуллар, айниқса пахта-беда алмашлаб экиш талаблар даражасида эмас. Масалан, бригадамиздаги 140 гектар майдоннинг фақат 24 гектаригина бедазорлардан иборат. Биз келгусида бу масалани қатъий тартибга солишни мўлжаллаяпмиз.

Техникани ёшликдан яхши кўраман. Уни ишлатиб бўлгач, доимо диққат билан кўздан кечираман. Мойлаб, созлаб қўяман. Камчилиги топилса уни тузатиш йўлини қидираман. Лекин буни доимо ҳам иложи бўлавермайди. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Масалан, яқинда трактордаги культиваторни кўтариб турадиган гидроцилиндрларни ҳаракатга келтирувчи тақсимлагич йўқлиги учун район сельхозтехникасига боришга тўғри келди. У ерда менга ўхшаб навбат кутувчилар кўп эди. Бу— шундай долзарб паллада қанча механизатор вақтини бой беради, деган гапдир. Бундан ташқари чопиқ трактори ёки транспорт тракторининг ёнилғи насоси ишдан чиқса, уни созлаб берадиган мослама анқонинг уруғи. Яна район марказига югуришга тўғри келади.

Яна бир масала хусусида. Менга Т—28Х4 трактори биркитилганига анча йиллар бўлди. Ишлашидан бузилиши кўп. Жисмоний ва маънавий эскирган техника ўрнига янгиларини алмаштириш вақти етмадимикин?! Агар у «МТЗ—82» трактори билан алмаштирилганда эди, бир кунлик иш унуми бир ярим-икки баравар ошган бўларди. Шу муносабат билан колхоз устахонасида техникани асрашга шароит йўқлигини ҳам таъкидламоқчиман. Кўп тракторлар очиқда турибди. Устахона қурилишига пойдевор қўйилганича ётибди. Агар замонавий устахона мавжуд бўлиб, у малакали ремонтчи-мутахассислар билан таъминланганида биз ишни икки сменада ташкил қилишимиз мумкин эди. Бундан ўзимиз ҳам, колхоз ҳам ва айни пайтда давлатимиз ҳам манфаатдор бўлган бўлур эди.

Зўр кайфият билан ишлаш партиямиз қайта қуриш, жадаллаштириш талабларида уқтирилганидек ишда кескин бурилиш ясашни таъминлайди. Бу оддий, лекин мураккаб масалани ҳал этиш колхоз, район мутасадди ташкилотлари раҳбарларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторига кириши керак.

**А. АСҚАРАЛИЕВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз механизатори, область Советининг депутати.**

## Ҳосил нишоналари кўпаймоқда

Қизилтепа районидаги «Ўзбекистон» колхози пахтакорлари юбилей йилини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилишган. Шу мақсадда хўжаликнинг ҳамма бригадаларида мўл ҳосил тўплаш, уни йиғиб-териб олишга пухта ҳозирлик кўриш кун сайин авж олдириляпти. Айниқса 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан, жами 420 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган А. Йўлдошев бошлиқ бригадада дала ишлари зўр уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. О. Ҳодиев, Д. Йўлдошев, Х. Халилов каби моҳир сувчилар ўзаро меҳнат беллашувида ғолиблик қилишмоқда. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли ғўзалардаги ҳосил нишонлари кун сайин ортиб бораётир.

**Р. НЕЪМАТОВ.**

## СЕМИНАР-КЕНГАШ

Москвада иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар партия комитетлари сиёсий маориф уйлари мудирларининг семинар-кенгаши ўз ишини тамомлади. Унда бир қанча министрлик ва идоралар, ВЦСПС ва тармоқ касаба союзлари Марказий Комитети, ВЛКСМ Марказий Комитети ва иттифоқдош республикалар комсомоли Марказий Комитети, ўлка ва область комсомол комитетларининг раҳбарлари, марказий идеологик идоралар, Совет Армияси сиёсий органлари, малака ошириш институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш, янги 1987/88 ўқув йилига тайёргарлик кўриш соҳасида партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг вазифалари муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Ю. А. Скляров доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, бошқа министрлик ва идораларнинг масъул ходимлари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорлари асосида ижтимоий турмуш барча соҳаларини қайта қуриш ва янгилашнинг муҳим масалалари юзасидан лекция ўқидилар. Семинар қатнашчилари коммунистлар ва партиясизлар марксча-ленинча таълимнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, мамлакатда иқтисодий умумий таълимни ташкил этиш, ўқув жараёнини илмий-методик ва ахборот жиҳатидан таъминлашни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар, иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

(ТАСС).

## Мурожаатнома БМТда тарқатилди

НЬЮ-ЙОРК, 28 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг қуролсизланиш билан ривожланиш ўртасидаги ўзаро алоқага бағишланган халқаро конференция қатнашчиларига йўллаган мурожаатномаси халқаро конференциянинг расмий ҳужжати сифатида бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тарқатилди.

## Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида республикада тузилган Уруш ва меҳнат ветеранлари Советларининг фаолиятини яхшилаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров нутқида меҳнат ва уруш ветеранлари тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш зарурлигига, ветеранларнинг уй-жой шароитларини, уларга медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларини ҳал этишга диққат билан муносабатда бўлишга эътибор қаратилди.

Ҳозирги вақтда жойларда уруш ва меҳнат ветеранлари бўлган пенсионерларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш ва уларнинг дам олишини уюштириш хусусида рейд ўтказилмоқда. Кўпчилик областлар, шаҳарлар ва районларда ана шу рейдни ўтказишга кўмаклашиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун ташкилий комиссиялар тузилди. Министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари ана шу ишда жамоат ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

Кенгашда Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика Советининг раиси Р. Ғ. Ғуломов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Д. С. Ёдгоров, Наманган ва Самарқанд областлари ижроия комитетларининг раислари Б. Ж. Ҳакимов ва А. А. Йўлдошев сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

